



Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • WWW.XS.UZ • E-mail: Info@xs.uz • 2018 йил 5 октябрь, № 207 (7165)

Жума

Сайтимизга ўтиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.



ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ТАШРИФИ ХИНДИСТОН МАТБУОТИ НИГОҲИДА

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг 30 сентябрь — 1 октябрь кунлари Хиндистонга давлат ташрифи икки томонлама муносабатларни янги босқичга кўтарди.

Ташриф доирасида турли соҳаларда икки мамлакат ҳамкорлиги ривожига хизмат қиладиган муҳим ҳужжатлар имзоланди.

Ушбу тарихий воқеа Хиндистон жамоатчилигида катта қизиқиш уйғотиб, оммавий ахборот воситаларида кенг ёритилди. Хиндистоннинг йирик кундалик нашрларидан бири “Economic Times” газетаси 800 минг нусхада чоп этилди. Бу “Wall Street Journal” (АҚШ) газетасидан кейинги энг йирик иқтисодий нашр дир.

Газетанинг 1 октябрь сони, асосан, Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг Хиндистонга давлат ташрифи бағишланган. Биринчи саҳифада “Ўзбекистон — Хиндистон: икки томонлама ҳамкорликнинг янги саҳифаси” сарлавхали мақола, Президент Шавкат Мирзиёев ва Бош вазир Нарендра Модининг сурати жой олган.

Иккинчи саҳифада тўртта мақола чоп этилган бўлиб, уларнинг асосийси “Ўзбекистон — Хиндистон: тарққиёт йўлида ҳамкорлар” деб номланди. Материалда икки томонлама муносабатларнинг ривожланиши жараёнлари тавсифланган, иқтисодий алоқалар батафсил таҳлил қилинган. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Илк давлат ташрифи икки халқ ўртасидаги сиёсий, иқтисодий ва маданий-гуманитар соҳалардаги муносабатларни мустаҳкамлашга хизмат қилади”, дея ёзилади “Economic Times” газетасида.

“Нима учун Ўзбекистонга сармоя киритиш керак? Очилаётган бозор янги иштирокчиларга кенг имкониятлар яратади”

сарлавхали иккинчи мақолада Ўзбекистондаги иқтисодий ислохотларнинг мазмун-моҳияти баён этилган ва Президент Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан иқтисодий либераллаштириш борасида олиб борилётган ислохотларга юксак баҳо берилган. Материалга илова тарзда жойлаштирилган инфографикада Ўзбекистонга сармоя киритиш афзалликларининг асосий омиллари, жумладан, диверсификация қилинаётган иқтисодиёт, юртимизнинг Марказий Осиёдаги энг йирик бозор экани, қулай географик жойлашуви, улкан инсоний ва интеллектуал ресурслари, табиий захиралари ҳамда сармоядорларга берилётган имтиёзлар кўрсатилган.

“Андижон эркин фармацевтика зонаси бизнес алоқаларни мустаҳкамлашга хизмат қилади” деб номланган мақолада Ўзбекистонда бизнес юритиш учун яратилган қулай шароит, хорижий инвесторларга тақдим этилаётган имтиёзлар, Хиндистон билан ўзаро муносабатларнинг ривожига хусусида сўз юритилган.

Газетанинг иккинчи саҳифасида “Uzbekistan Airlines Тошкент — Мумбай тўғридан-тўғри авиақатновларга тақлиф этади” сарлавхали мақолада янги авиақатновлар икки мамлакат ўртасидаги савдо ва туризмни ривожлантиришга хизмат қилиши таъкидланади.

“Indian Express” газетаси ҳам Президентимиз ташрифини кенг ёритган. 1 октябрь сони бош саҳифасининг ярми ва учинчи саҳифаси тўлиқ ушбу давлат ташрифи бағишланган. Мазкур нашр ҳар кун 495 минг нусхада чоп этилади. Газетада Ўзбекистон



Президенти Шавкат Мирзиёев ва Хиндистон Бош вазир Нарендра Модининг сурати ҳамда ташриф жараёнлари га оид маълумотлар эълон қилинган. “Ўзбекистон — Хиндистон: алоқалар мустаҳкамлашда” сарлавхали мақола жойлаштирилган.

Материалларда икки томонлама муносабатлар таҳлили, Ўзбекистонга амалга оширилаётган ислохотлар

суръати, мамлакатнинг Хиндистон сайёҳлари учун жозибадорлиги, маданий алмашувлар ва Ўзбекистонда “Хойчой” номли хинд фильми суратга олиш жараёни, Агра ва Самарқанд шаҳарлари ўртасида ҳамкорлик муносабатларини ўрнатиш масалалари баён этилган. Хусусан, асосий мақолада ташриф доирасида икки томонлама ўлаб ҳужжатлар имзоланиши қути-

лаётгани, Деҳлида ўтган Ўзбекистон — Хиндистон бизнес форуми натижасида “ONGC Videsh”, “Sun Group”, “Sharda University” каби компаниялар Ўзбекистонга сармоя киритишни режалаштираётгани ёзилган. Марказий Осиё билан муносабатларни мустаҳкамлашда Ўзбекистон Хиндистоннинг энг асосий шерги экани қайд этилган. Хиндистон — Ўзбекистон дўстлик жамияти раҳбари

Анил Шастри билан суҳбатда маданий-гуманитар муносабатларга алоҳида эътибор қаратилган. Анил Шастри Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Хиндистонга давлат ташрифи икки мамлакат ўртасидаги сиёсий, иқтисодий ва маданий муносабатларнинг мустаҳкамлашида янги саҳифа очишига ишонч билдирган.



Эксклюзив интервью

«Ўзбекистондаги шиддатли ислохотлар Францияда юқори баҳоланмоқда»

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг Францияда расмий ташрифи арафасида мамлакатимизнинг кўп қатлам делегациялари Парижга сафар қилди. Жумладан, 26-27 сентябрь кунлари Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурдаги Стратегик ва минтақалараро тадқиқотлар институти директори раҳбарлигидаги юртимиз делегацияси Франция парламенти, Ташқи ишлар вазирлиги, шунингдек, Европарламент вакиллари билан музокаралар ўтказди. Европа Истиқболлар ва хавфсизлик институти ҳамда Миллий бошқарув академиясида давра суҳбатлари ташкил этилиб, уларнинг якунлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурдаги Стратегик ва минтақалараро тадқиқотлар институти ҳамда Халқаро муносабатлар ахборот-таҳлил маркази ўртасида ҳамкорлик тўғрисида битим имзоланди.

Ўзбекистон — Франция муносабатларини янада чуқурлаштиришнинг устувор йўналишлари ҳақида Стратегик ва минтақалараро тадқиқотлар институти директори Владимир НОРОВ сўзлаб берди.



Оналик ва болалик муҳофазаси

Унга эътиборсизлик билан қараб бўлмайди.

Юртимизда оилалар саломатлигини, оналар ва болалар соғлигини мустаҳкамлашга эътибор қай даражада? Бу борада қандай муаммо ҳамда камчиликлар бор? Соғлом болалар туғилиши, ҳомиладор аёллар ва чақалоқларда патологияни бевақт аниқлаш учун зарур шарт-шароитларни таъминлайдиган замонавий перинатал марказлари ҳамда “Она ва бола скрининг” марказлари фаолиятдан аҳоли мамнунми?

ПАРЛАМЕНТДАГИ МУХБИРИМИЗ ХАБАР ҚИЛАДИ


Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Фуқароларнинг соғлигини сақлаш масалалари қўмитаси томонидан Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирлиги раҳбарлигидаги перинатал марказларнинг мазкур вазирлик тизимида оналар ва болалар саломатлигини муҳофаза қилиш, соғлом бола туғилишини таъминлаш борасида амалга

оширилган ишлар тўғрисидаги ахбороти эшитилиши асносида ана шу саволларга жавоб изланди.

Депутатлар, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, тегишли табиёт муассасалари, Хотин-қизлар қўмитаси, Вазирлар Маҳкамаси ҳузурдаги “Оила” илмий-амалий тадқиқот маркази ва-



киллари ҳамда журналистлар қатнашган тадбирда мамлакатимизда оналик ва болаликни муҳофаза қилишга қаратилган ислохотлар хусусида сўз юритилди. Айни чоғда соҳадаги камчилик ва муаммолар ўртага ташланди.



Мавзуга қайтиб

Тарих ва келажак олдидаги бурч

“Народное слово” газетасининг 2018 йил 9 июнь сонида “Ўтмиш эҳтиёткорона муносабатни талаб этади” сарлавхали мақола эълон қилинган эди. Унда Самарқанд шаҳрида сўнгги йилларда амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари, хусусий компаниялар томонидан кўп қаватли тураржойлар қурилиши довомида шаҳарнинг тарихий-маданий объектларини муҳофаза қилиш талаблари бузилганлиги ва бу аҳолининг ҳақли эътирозларига сабаб бўлаётгани хусусида сўз юритилган. Мухбирларимиз ушбу камчиликларни бартараф этиш бўйича қилинаётган ишлар ҳолатини жойига бориб ўрганди.

Ҳеч иккиланмай айтиш мумкинки, юртимизни оламга танитган Хива, Бухоро, Шаҳрисабз, Тошкент, Қўқон сингари кўп асрлик шаҳарларимиз қаторида Самарқанд иқтисодий-ижтимоий, маданий-маърифий, сайёҳлик салоҳияти жиҳатидан беқиёс аҳамият касб этади. Салкам уч минг йиллик ўтмишга эга бўлган бу қадим заминда қанчадан-қанча буюк зотлар, алломалар етишиб чиқди, умрғузaronлик қилди ва инсониятга дахлдор ишлари билан нафақат Самарқанд, балки бутун Мовароуннахрни тарихга олтин харфлар билан битдилар.



«Ўзаро ҳамкорлик биз учун мутлақо янги имкониятлар эшигини очади»

Вебстер университети президенти Элизабет Стробл АҚШ оммавий ахборот воситаларига берган интервьюсида ана шундай фикрни илгари сурди.

Жаҳондаги энг нуфузли олий ўқув юрларидан бири — Вебстер университети яқинда мамлакатимизда ўз таълим дастурларини амалга оширишга киришди. Э. Стробл республикаимизда таълим соҳасида ҳаётга татбиқ этилаётган ислохотларни тула қўллаб-қувватлашни маълум қилди.

“Биз Ўзбекистон учун мақсус инновацион дастур ишлаб чиқдик. Дастур узоқ йиллик тажрибамиз ва Ўзбекистоннинг миллий қарашлари асосида тайёрланган. Бу орқали биз ўқувчиларда индивидуал хусусиятларни аниқлаб, уларни глобал билим эгаларига айлантиришга ҳаракат қиламиз”, дейди Вебстер университети президенти.

“Ўзбекистон билан ҳамкорлик биз учун мутлақо янги имкониятлар эшигини очади. Бу орқали биз Марказий Осиё таълим бозорига ўз ўрнимизга эга бўламиз. Минтақа биздан узоқ бўлишига қарамай, кадрлар тайёрлаш нуктаи назаридан муҳим аҳамият касб этади”.

Элизабет Строблнинг айтишича, мамлакатимиз билан ҳамкорлик ўзаро манфаатли хусусияти билан ажралиб туради:



Анвар МИРЗАЕВ («Халқ сўзи») тайёрлади.

(Давоми 2-бетда).

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

САЙЛОВ ЖАРАЁНИГА ЗАМОНАВИЙ АХБОРОТ-КОММУНИКАЦИЯ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИНИ ЖОРИЙ ЭТИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Бошланғич 1-бетда).

2. СЯЭРНИ шакллантиришда Ички ишлар вазирлигининг маълумотлар ахборот базасига, Кўчмас мулк объектлари ягона реестри ва Кўчмас мулк объектлари манзиллари ягона реестрига мувофиқ сайловчи-фуқаролар, уларнинг доимий ва вақтинча яшаш жойларининг манзиллари тўғрисидаги ягона ахборотдан фойдаланилиши белгилаб қўйилсин.

кадастри давлат қўмитаси билан биргаликда фуқароларнинг паспорт маълумотларини кўчмас мулк объектининг кадастр рақамига боғлаган ҳолда, Ички ишлар вазирлиги маълумотлар ахборот базасининг Кўчмас мулк объектларининг ягона реестрига ва Кўчмас мулк объектлари манзилларининг ягона реестрига мувофиқлаштирилишини таъминласин.

8. Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Марказий сайлов комиссияси ва Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда 2018-2019 йилларда сайлов комиссиялари вакиллари Сайлов жараёнини бошқариш ахборот тизими, шу жумладан, СЯЭР билан ишлаш кўникмаларига ўқитишни таъминласин.


Ш. М. Содиқов зиммасига — Сайлов жараёнини бошқариш ахборот тизимининг янада такомиллаштирилиши ва тўлиқ ишлаши, шунингдек, сайлов комиссиялари сайлов вақтида маълумотлар узатиш тармоқларига узлуксиз уландини таъминлаш учун;

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ТАШРИФИ ҲИНДИСТОН МАТБУОТИ НИГОҲИДА Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг 30 сентябрь — 1 октябрь кунлари Ҳиндистонга давлат ташрифи икки томонлама муносабатларни янги bosқичга кўтарди.


Шунингдек, "The Statesman", "The Times of India", "Daily News & Analysis", "Millenium Post" каби газеталар ҳам ташриф воқеаларини кенг ёритган.

ваколатхоналарга тарқатилади. Журналнинг махсус сониди муаллиф ва экспертлар Ўзбекистондаги иқтисодий ислохотлар, ижтимоий ҳамда сиёсий ўзгаришлар ҳақида ўз фикр-мулоҳазаларини билдирган.

салоҳияти ҳамда Ҳиндистон билан ўзаро ҳамкорлигига бағишланган. Унда Ўзбекистоннинг сайёҳлик салоҳияти, Ўзбекистон — Ҳиндистон маданий ҳамкорлигидagi асосий воқеаларга оид мақолалар, фотопортретлар ва материаллар чоп этилган.



“Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 10 ислохоти” инфографикаси ўрин олган.



қиндистон саноат конфедерацияси (СII) томонидан chop этилган

Қонун кучга кирди ОИЛАВИЙ БИЗНЕС янада қўллаб-қувватланади

Куни кеча “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига иқтисодий муносабатлар ва тadbirkorликни ривожлантиришга қаратилган ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Қонун Президент томонидан имзоланди.

Одилжон ИМИНОВ, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Бюджет ва иқтисодий ислохотлар масалалари қўмитаси раисининг ўринбосари.

